

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА АХБОРОТ ВА ТАҲЛИЛНИНГ ЎРНИ

Карабаев Ойбек Равшанович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси катта ўқитувчиси,

подполковник.

Телефон: 99-854-37-03

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568371>

Аннотация. Мақолада юртимизда ички ишлар идораларига тааллуқли бўлган ислохотлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, ахборот-таҳлил ва статистик маълумотларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўрни, йўналишлари, ҳозирги замонда ислохотларнинг зарурияти, замонавий илм-фан ютуқларининг жорий қилиниши, рақамли технологиялар, илмий ёндашилган таҳлиллар орқали бошқарувни самарали амалга ошириш жиҳатлари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, ислохотлар, халқ манфаатлари, таҳлил, очиқлик, бошқарув, самара, тадқиқ, янги тизим.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштирилди. Ички ишлар органларида юксак малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори билан ИИБ Академиясида 8 та йўналиш бўйича кундузги ва сиртқи шаклда ўқиш тизими йўлга қўйилиб, вазирликнинг 14 та идоравий академик лицейлари, “Темурбеклар мактаби” ва ихтисослашган мактаб-интернат фаолияти йўлга қўйилди [1].

Ўзбекистондаги тинчлик, хотиржамлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган неъмат эмас [2]. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мард ва фидойи ходимларининг машаққатли меҳнати, ватанпарварлиги орқали эришилган. Табиийки, бундай натижаларга юқори малакага эга бўлган ходимларсиз эришишнинг имкони бўлмайдди. Чунки ҳозирги замон одамлари катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлиб, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор, ҳуқуқий онги юқори даражага эришган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ҳамда 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармонлари, 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори [3], уларнинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган ички ишлар органларининг идоравий

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб ички ишлар органлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилишда унинг асосий йўналишлари белгилаб олинади.

Ички ишлар органлари фаолиятни кўрсаткичларини таҳлил қилиш унинг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича амалга оширади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўрсаткичлари;
- жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичлари;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш кўрсаткичлари;
- жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш кўрсаткичлари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш кўрсаткичлари;
- эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш кўрсаткичлари;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш кўрсаткичлари;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичлари;
- паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш кўрсаткичлари;
- фуқаровий ва хизмат қуролларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш кўрсаткичлари;
- ёнғин хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичлари;
- эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш кўрсаткичлари;
- давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш кўрсаткичлари;
- лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш кўрсаткичлари;
- ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш кўрсаткичлари;
- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш кўрсаткичлари.

Ички ишлар органларида амалга ошириладиган таҳлилий иш жуда кўп қиррали ва хилма-хилдир. Унда бир нечта мустақил йўналишлар ажратилади. Уларнинг ҳар

бирига ўз мақсади ҳамда тўпланиши, ўрганилиши ва баҳоланиши керак бўлган дастлабки ахборотнинг тегишли турлари ва ҳажми хосдир. Бу йўналишларга қуйидагилар киради¹:

а) *узоқ вақт (5–15 йил) давомидаги ҳуқуқбузарликларнинг тамойилларини, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ички ишлар органларининг фаолиятини ўрганиш.* Таҳлилнинг ушбу туридан кўзланган мақсад ушбу тамойилларнинг ўзгариши мумкинлиги ҳақида истиқболни белгиловчи хулосалар чиқариш, шу асосда уларни нейтраллаштиришга, ҳуқуқий тартибни мустақкамлашга ва ички ишлар органлари тизимининг фаолиятини такомиллаштиришга оид тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бу турдаги таҳлилнинг зарурлиги ички ишлар органлари, ҳар қандай ижтимоий тизим каби, ўз стратегиясига эгаллиги билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарликларнинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойилларини, уларни келтириб чиқарувчи ташқи муҳитдаги криминоген ва аксилкриминоген омилларни, шунингдек ички ишлар органлари тизимининг ўзидаги аҳвол ва фаолиятни англаб олмай туриб, бундай стратегияни ишлаб чиқиш мумкин эмас;

б) *оператив вазиятни комплекс таҳлил этиш* (чорак йил, ярим йил, 9 ой ва бир йил). Ушбу турдаги таҳлилдан ҳуқуқий тартибнинг аҳволидаги ўзгаришларни ҳамда ташқи муҳит омилларини, шунингдек бундай ўзгаришларни келтириб чиқарган ички ишлар органларидаги аҳвол ва фаолиятни аниқлаш мақсади кўзланади.

Оператив вазиятни комплекс таҳлил қилиш жараёнида хизмат кўрсатиш ҳудудининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари; энг кўп содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш вақти, жойи ва ўзига хос жиҳатлари; ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг аниқланган сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари; ғайриқонуний қилмишларни содир этувчи ёки профилактик, оператив ва бошқа турдаги ҳисобларда турувчи шахслар; ички ишлар органларининг фаолияти ҳақидаги ижтимоий фикр, шунингдек ички ишлар органининг соҳавий хизматларидаги аҳвол ва фаолиятнинг натижалари хусусидаги фуқароларнинг хатлари, шикоятлари, аризаларини ҳамда оммавий ахборот воситаларининг мақолаларини ўрганиш материаллари текширилади ва тадқиқ этилади.

Таҳлил хулосаларида: ҳуқуқий тартибнинг аҳволи баҳоланади ҳамда таҳлил қилинаётган даврда унда юз берган ўзгаришлар тавсифланади; ушбу ҳудуд учун энг долзарб ва хос бўлган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоат тартибини, шахсий ва ижтимоий хавфсизликни сақлаш муаммолари таърифланади; оператив вазият мураккаблашган ҳудудлар ва объектлар белгиланади, бунинг сабаблари аниқланади; органнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасидаги ишларининг натижалари баҳоланади, унинг фаолиятидаги асосий камчиликлар санаб ўтилади, шунингдек оператив вазиятнинг ўзгариши ва фавқулодда ҳолат юзага келиши мумкинлиги ҳақида асосланган тахминлар илгари сурилади.

Шундай қилиб, оператив вазиятни комплекс таҳлил қилиш натижалари ички ишлар органлари ишини жорий режалаштириш (шаҳар, туман ва ички ишлар органларининг тармоқ бўлинмалари ишининг ярим ва чорак йиллик режаларини тузиш) учун асос бўлади. Улар асосида куч ва воситаларнинг жойлашишига

ўзгартишлар киритилади ҳамда энг кўп тарқалган ва хавфли ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш юзасидан қарорлар қабул қилинади; ҳуқуқий тартибнинг ҳамда орган оператив хизмат фаолиятининг аҳволи ҳақида давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва аҳолига, шунингдек юқори турувчи ички ишлар органларига хабар берилади;

в) *оператив вазиятнинг жорий (узлуксиз) таҳлили* суткалик, 10 кунлик ва бир ойлик ахборотни баҳолаш асосида амалга оширилади. Ушбу турдаги таҳлилдан кўзланган мақсад органга узлуксиз оператив раҳбарлик қилинишини таъминлашдан иборат. Бу эса тегишли иш режаларига тузатишлар ва қўшимчалар киритиш, куч ва воситаларнинг жойлашишини ўзгартириш ҳамда муайян тадбирларни мақсадга мувофиқроқ ўтказиш имконини беради. Шундай қилиб, жорий таҳлил жиноятчиликнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг аҳволи ҳақидаги суткалик, 10 кунлик, бир ойлик ахборотни тадқиқ этиш ҳамда воқеаларнинг кўнгилсиз ривожланишини чеклаш юзасидан кечиктириб бўлмас чоралар кўришга мўлжалланган бўлиб, комплекс таҳлилдан асосан дастлабки ахборот (маълумотлар) ҳажмининг чекланганлиги ҳамда текширувнинг чуқурлиги билан ажралиб туради;

г) *ҳуқуқий тартибнинг аҳволи ва ички ишлар органларининг фаолиятидаги айрим муаммоларни жузъий таҳлил қилиш* ички ишлар органларида комплекс ёки жорий таҳлил йўли билан олинган ахборот аниқланган тамойилни ёхуд қарор топган тамойилдан чекиниш ёки илгари учрамаган муайян вазиятни тушунтириш учун етарли бўлмаган ҳолларда амалга оширилади. Муаммо ҳуқуқий тартибнинг аҳволидаги хусусиятларни аниқлашда, объектив омилларнинг унга таъсири аниқ бўлмаганида, орган ташқи муҳит шароитларига мос тарзда ташкил этилмаганида, у самарасиз фаолият кўрсатганида ва бошқа ҳолларда юзага келиши мумкин (масалан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг юқори даражадалиги сабаблари, муқаддам судланганлар ўртасида профилактика ишлари олиб боришдаги камчиликлар ва ҳ.к.).

Жузъий таҳлил натижаларидан (*уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб*) кўпинча махсус ва оператив қарорлар қабул қилишда, турли хил комплекс, намунавий ва бир мартали операцияларни ўтказишда фойдаланилади.

Таҳлилий ишнинг асосий йўналишлари биргаликда текширилаётган ҳодисанинг моҳияти ва табиати ҳар томонлама ўрганилишини, ушбу ҳодисаларда юз бераётган ўзгаришлар, уларнинг ўзаро алоқадорликлари ва бир-бири билан боғлиқлиги тушунтирилишини таъминлайди.

2021 йилнинг 6 ноябрь куни давлатимиз раҳбари, Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида, янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясини эълон қилди. Етти йўналишдан иборат стратегиянинг иккинчи йўналиши **“адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш”** вазифаларини қамраб олган бўлиб, устивор вазифалардан бири – “давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситалари коррупцияни тугатишга қаратилган бўлиши керак эканлиги” белгиланган.

Куч ва воситаларни йўналтириш учун ҳақиқий аҳволни аввалдан ўрганиш зарур. Чунки мазкур турдаги жиноятлар қаерларда, кимлар томонидан, қандай усулларда,

кимларга нисбатан, қайси соҳаларда содир этилмоқда, каби саволлар ечимини топмагунча, курашиш самараси паст бўлиши эҳтимоли мавжуд. Яъни, жиноятга қарши курашиш йўли илмий тарзда ўрганилиб, тегишли ва зарур ҳулосаларга таянган ҳолда фаолиятни йўлга қўйиш керак.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3313218>.
2. Ўзбекистон МДХдаги энг хавфсиз давлатга айланди. // https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-mdhdagi-eng-xavfsiz-davlatga-aylandi_314408?q=%2Fposts%2Fozbekiston-mdhdagi-eng-xavfsiz-davlatga-aylandi_314408.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/3877315>.
4. “Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари.” Дарслик. И.Исмаилов, Д.С. Мухамадалиев, Э.У. Азизов. ИИВ Академияси 2019.